Рисолада Аҳмад ас-Сарҳиндиининг "латоифи ашара" (инсон таркибидағи 10 унсур) тасаввуф нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Улар: нафс, сув, олов, тупроқ, ҳаво, қалб, руҳ, сир, хафий ва ахфо.

Кўчирилган ўили – 1283/1866. 7 варақ. 20,5x13. СВР, Ш т., бет 337.

مقامات مخدوم اعظم
„Мақомоти Махдуми Аъзам“
(Маҳдуми Аъзам мақомотлари)

№ 12315/I

Асарда Аҳмад ибн Жалолуддин Хожагийи Косоний – Махдуми Аъзам (ваф. 949/1542 й.)нинг ҳаёти, фаолиятлари, туттган тариқат услублари, карамотлари, зикр, мусика, рақс, важд каби ҳолатларга бўлган муносабатлари, шунингдек бошқа муҳим маълумотлар акс эттирилган.

Хати – настаълиқ. 118 варақ.

رسالة القطب و الاوتاد

„Рисолату-л-қутби ва-л-автод“
(Құтб ва автодлар ҳақида рисола)

№ 2992/I

Бу рисолада "құтб", "ғавс", "абдол", "автод", "нужабо", "нуқабо", "руқабо" номлари билан юритилувчи авлиёлар табақалари ҳақида ҳикоя қилинади. Бу маълумотларни муаллиф Шайх Мұхиддин ибн ал-Арабийдан нақл қиласы.

Нусха настаълиқ хатида 1268/1852 йили кўчирилган. З варақ. 25,5x14,5. СВР, Ш т., бет 196.

НОМИ ВА МУАЛЛИФИ
НОМАЪЛУМ АСАРЛАР

رساله
„Рисола“
(Risola)

1. № 1606/I

Рисолада "Махдуми Аъзам"нинг асосий 4 хотинлари, улардан дунёга келган ўғил-қиз фарзандлари ва бошқа зурриётлари ҳақида муфассал маълумот берилган.

4 варақ. 16,5x9.

2. № 3404/II

Хати – настаълиқ. Хаттот – Сайид Назир Хожа ал-Хўқандий. Кўчирилган йили – 1271/1854. 12 варақ (119-130). 25,5x15,5.

مناقب خواجه عبید الله احرار
„Маноқиби Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор“
(Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор маноқиби)

№ 1883/IV

Унда Хожа Аҳрорнинг ҳаёт ва фаолияти, унинг айтган сўзлари ва тариқат хусусидаги сабоқлари ҳамда у кишидан зоҳир бўлган кароматлар ҳақида сўз юритилади.

Хати – настаълиқ. Хаттот – Мулло Абдулмӯъмин Бухорий. Кўчирилган йили – 1249/1883. 108 варақ (98-205). 21,5x12,5.

رسالهء اولاد و خلفاء خواجه احرار
„Рисолаи авлод ва хулафои Хожай Аҳрор“
(Хожа Аҳрорнинг фарзандлари ва ҳалифалари ҳақида рисола)

№ 1883/Ш

Асарда Хожа Аҳрорнинг яқин авлодлари ва муридлари ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Айниқса унинг фарзандлари ва на-бирадлари бошига тушган оғир ва қайғули кунлар ҳақида тафси-лотлар эътиборни жалб қиласди. Қайсики, ўша даврдаги хони Шоҳибекхон бу авлодга зулм ва таъзийқ ўтказиб, уларнинг каттаси Хожа Кохажани ўз она юргидан Андижонга кўчиб кетишга мажбур этади. Шоҳибекхоннинг бу қилимиши жасози қолмайди: кўп ўтмай у Марвшоҳ томонидан сазойи қилинади. Хожа Аҳрорнинг иккинчи фарзанди Хожа Шахид икки ўғли билан биргаликда Кароб қиши-логида 15 йил гурбатда яшайдилар ва 906/1500 йили улар Шоҳибекхон аскарлари томонидан қатл этиладилар. Кейинчалик уларнинг жасадлари Самарқандга келтирилган ва оталари ёнига дағн этилган. Хожа Аҳрорнинг учинчи ўғлининг номи Мұҳаммад Амин эди. Катта ўғли Хожа Кохаждан кўпгина зурриёт қолган.

Нусха 1249/1883 йили настаълиқ хатида кўчирилган. 5 варақ (93-97). 21,5x12,5. СВР, Ш т., бет 273.

№ 1621/Ш

Асарда Хожай Бузург – Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти асосида маҳфий зикр (зикри дил) ҳақида маълумот берилган.

Нусха 1330/1912 йили кўчирилган. 3 варақ (3-5). 26x15. СВР, Ш т., бет 258.

№ 1621/IV

Бу асарда Баҳоуддин Нақшбанднинг ўз тариқати ҳақида айтган сўзлари берилади.

Нусха 1330/1912 йили кўчирилган. 3 варақ (5-7). 26x15. СВР, Ш т., бет 258.

Тасаввуфга оид сўз ва иборалар ИЗОҲИ

А

АБДОЛ (بَدْل) – арабча "бадал" (بَدَل) сўзининг кўплик шакли. У форс ва туркий тилларда "чилган" деб юритилади. Демак, улар қирқ кишидан иборат бўлади. Лекин баъзи бошқа манбаларда уларнинг адади ўттиз киши деб ҳам белгиланган. Улар رجال الغب

– гоиб кишилар тоифасидан бўлиб, ўзлари халқ ичидаги бўлсаларда, уларнинг абдол эканликларини ѡеч ким билмайди. Ўзлари ҳам буни маҳфий тутадилар. Улардан қайси бири вафот этса, ўрнига дарҳол янгиси таъйин этилади. Олдингисига бадал (ўринбосар) бўлиб келгани учун ҳам уларда "абдол", яъни "ўринбосарлар" деб ном берилган. р: 2944 рақамили қўлёзмага қаралсин.

АБРОР (ابرار) – арабча "бэрр" (بَرَرْ) сўзининг кўплиги бўлиб, "яхшилар" деган маънони англатади. Улар ўрта хол кишилар бўлиб, авлиёлар даражасидан кўйи, оддий халққа нисбатан юқори мартабадаги зотлардир. Улар Аллоҳнинг буйруқларини ўргача бажариб, ман қилган ишларидан сақланиб юручилилардир. Тасаввуфда арабча кундадлик қилиб юрган савобли ишлари азиз-авлиёларнинг гуноҳ ишлари билан баробардир". Демак, авлиёлар учун шариатда буюрилган фарз, воқиб, суннат, мустаҳаб каби амалларни бажариш билангина чегараланиб қолиш гуноҳ ҳисобланади. Улар ўз зиммаларига зикр, тасбех, таҳлил, муроқаба, нафл намоз ва рўза каби бир қанча қўшимча ибодатларни ҳам олган бўладилар.

АВТОД (أوتاد) – арабча "ватад" (وَتَاد) сўзининг кўплиги. Лугавий маъноси "қозиклар" демакдир. Улар ҳам абдол каби зотлар бўлиб, ададлари тўғрисида турли маълумотлар бор. Масалан, р: 2992 рақамили қўлёзмада уларнинг сони 70 нафар дейилган бўлса, р: 2944 рақамили қўлёзмада тўрт нафар дейилади (309 бет).

АДАБ (آدب) – арабча "одоб" (إِذَاب) сўзининг бирлик шаклидир. Адаб ва одоб дегандан тасаввуфда тариқатдан сабоқ берувчи пир ёки шайх ва сабоқ олувчи мурид ёки соликнинг риоз қилиши зарур бўлган қонун ва қоидалар назарда тутилади. Шунинг учун шайхлар ва соликлар одоби хусусида кўплаб асарлар ёзиб қолдирилган.

АЙНУЛ ЯҚИЙН (عن اليقين) – арабча ибора бўлиб, маъноси "кўз билан кўриб ҳосил қилинган ишонч" демакдир. Ислом дини манбаларида ишончни уч даражага бўлинган: 1. علم اليقين (илмул-яқийн). Бунда бирор хабарни эшишиб ёки ўқиб билинади, лекин ўша хабарнинг рост ёки ёлғонлиги аникланмаган бўлади. 2.

(айнул-яқийн). Бунда эшишиб ёки ўқиб билинган нарсани кўз билан кўриб ишонч ҳосил қилинади, лекин бу ишонч ҳам хали мукаммал эмас. 3. حُق اليقين (ҳаққул-яқийн). Бунда

эшитиб ёки ўқиб, сўнг кўз билан кўргандан кейин ўша нарсани қўл билан ушлаб кўриш, истемол қилиш ва бошқа синов йўллари билан унинг ҳақ эканлигига қаноат ҳосил қилинади. Бунга мисол: айтайлик, бир одам келиб бозорда хурмо сотилаёттани тўғрисида хабар берди. Демак, сизда "илмул-яқийн" пайдо бўлди. Бориб кўрсантиз, ҳақиқатан ҳам бир одам хурмога ўхшаган мева сотяпти. Бу "айнул-яқийн" бўлди. Бир дона олиб еб кўрдингиз ва унинг хурмо эканлигига қаноат ҳосил қилдингиз. Бу – "ҳаққул-яқийндири".

(تعریفات سید شریف)

АХФО (اخفو) – арабча сўз. Лугавий маъноси "махфийроқ, оҳистароқ" демакдир. Тасаввуда зикрнинг маҳсус бир тури. Бунда зикр этувчи солик дилининг марказидан чиқариб (الله مع) (Аллоҳ мен билан) иборасини айтади. Айттанды унинг мазмунини мулоҳаза қилиб туриши шарт.

АҚТОБ (اقطاب) – арабча қутб (رأس) – сўзининг кўплиги. Лугавий маъноси "қутб". Масалан, ер куррасининг жанубий ва шимолий қутблари бўлгани каби тасаввуда ҳам маълум бир даражага етган авлиёларга қутблар деб ном берилади. Қутбларнинг адади тўғрисида турли маълумотлар бор. Масалан, Тоҳир Эшон Хоразмийнинг „Газкирату-л-авлиё“ асарида улар уч нафар дейилса, „Рисолату-л-қутби ва-л-автод“ асарида бир нафар деб қайд этилган. Ҳар бир даврнинг ўз қутби бўлиб, у халифа Абу Бакр Сиддиқ (разияллоҳу анҳу) нинг ноиби ҳисобланади. Қутб Аллоҳга илтижо қилиб турган пайтда унинг номи "ғавс" (фарёд этувчи) деб аталади. (Сайибди Шарифнинг „Татрифот“ асари. 74-бет.)

АҲЛИ ДИЛ (اهل دل) – лугавий маъноси "дил аҳли". Тасаввуда улар дилларини Аллоҳнинг зикри билан машғул этган соликлар ва машойихлардир. Одатда "аҳли дил" дегандা тасаввуд аҳли кўзда тутилади.

АҲЛИ ТАҲҚИҚ (اهل تحقیق) – "таҳқиқ аҳли". Яъни ҳар бир нарсани тадқиқот билан чуқур ўрганувчи ва унинг моҳиятига етишга ҳаракат қилувчи олимларга "аҳли таҳқиқ" ёки "муҳаққиқлар" дейилади. Бундай кишилар илм ва фаннинг ҳамма соҳаларида, шунингдек, тасаввудда ҳам мавжуддирлар.

АҲРОР (احرار) – арабча "ҳур" (حُر) сўзининг кўплиги. Лугавий маъноси "ҳур, озод" демакдир. Тасаввуда уч хил асиридан ҳолос топған кишига ҳур деб ном берилади. Биринчиси – ҳайвоний ва шаҳвоний ҳис-туигуларни енгиб, уларнинг асирилигидан қутулиш. Бу мартабага "ҳуррийяти омма" дейилади ва бу фазилат ҳар кимда ҳам топилиши мумкин. Иккинчиси – ўзининг барча хоҳиш ва иродаларидан воз кечиб, фақат Аллоҳнинг иродасига таслим бўлишлик. Бундай ҳуррийятга "ҳуррийяти хосса" дейилади ва у тасаввуд аҳлининг кўпчилигида топилиши мумкин. Учинчиси – расм-русум ва ҳаёт кечиришинг барча одат ва анъаналаридан озод бўлиб, илоҳий нур ёғдусига гарқ бўлишлик. Бундай ҳуррийятга "ҳуррийату хоссатил хосса" дейилади ва у тасаввуд аҳлининг айримларига наисиб бўллади. Демак, "аҳрор" дегандা шу уч хил қулиқдан озодликка эришган зотлар тушунилади. Ҳожай Аҳрор лақабини олган Ҳожа Убайдуллоҳ Тошкандий мана шундай

хурларнинг сардори бўлганлари учун ҳам шу унвонга мушарраф бўлганлар.

B

БАСМАЛА (بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ) – "Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм" жумласига берилган ном. Бундай атамалар араб тилидаги бошқа машҳур жумлаларга ҳам берилган. Масалан, "Алҳамду лиллоҳ" калимасига "ҳамдала", "Ло ҳавла вало қувватла иллоҳ" калимасига "ҳавқала", "Ло иллоҳ иллаллоҳ" калимасига "таҳлил", "Аллоҳ акбар" иборасига "такбир" ва ҳоказо.

БАҚО (بَقَاءُ) – лугавий маъноси – "боқийлик, давомли, барқарор, бардавом" демакдир. У – Аллоҳнинг сифатларидан бири. Тасаввуфда Аллоҳнинг боқий дўсти бўлиб қолиш учун ўзидан воз кечишга айтилади.

B

ВАЖД (وجْدٌ) – а. Лугавий маъноси "ҳаяжон, тўлқинланиш". Тасаввуфда сўфийларнинг зикру самоъ пайтидаги шавқ ва завқда тўлган ҳолати (تَعْرِيْفَاتٌ).

ВАЛИЙ (ولیٰ) – а. Лугавий маъноси "дўст, эга, яқин". Тасаввуфда Аллоҳнинг зоти ва сифатларини имконияти борича яхши билган, Унинг буйруқларини бажариб, гуноҳ ишлардан ўзини сақловчи, дунё лаззати ва шаҳвоний ишлардан юз ўгирувчи мўймин-мусулмон одамга айтилади. Кўплиги – авлиё (اولیاءُ) . (Сайид Шариф. تَعْرِيْفَاتٌ)

ВАСЛ (وَصْلٌ) – а. Лугавий маъноси "етишиш, висол". Тасаввуфда "фано" мақомидан кейинги мартаба. Бунда солик Аллоҳдан ўзга барча мавжудотлардан руҳан ажралиб, Аллоҳга етишган бўлади. Яна фано лафзининг изоҳига қаралсин (رسالهُ نَقْبَدِيَةٌ) 57-бет.

ВАҲДАТ (وَحْدَةٌ) – а. Лугавий маъноси "яккалик". Тасаввуфда Аллоҳнинг яккаю ягоналиги, азалийлиги ва боқийлиги ҳақидаги ақида. Ваҳдоният ҳам шу ақиданинг худди ўзи. "Ваҳдатул-вужуд" назарияси Ислом таълимоти нуктаи назаридан нотўри ақида ҳисобланади. (حقیقت وحدة الوجود لعبد الحکم لا نصاری)

ВИРД (وَرْدٌ) – а. "вазифа". Тасаввуфда шайх ва муридларнинг кундалик ўқиб юришлари зарур бўлган тиловат, зикр, тасбеҳ, дуо, салавот каби мажбуриятларидан иборат. Бу каби шариат ва тариқат кўрсатмаларига асосланган вазифаларнинг турли тўпламлари мавжуд. Масалан, "Амалул явми вал лайла", "Авроди фатҳийя", "Далоил" ва ҳоказо.

ВУЖУД (وجودٌ) – а. "борлик, бўлишлик, мавжудлик". Тасаввуфда Аллоҳнинг борлиги ҳақидаги ақида. Унинг бор бўлиши ўз-ўзидан зарурлигини "вожибул вужуд" деб аталади. Аллоҳдан бошқа мавжудотлар эса "мумкинубул вужуд" дейилади. Яъни, улар Аллоҳ томонидан яратилиши ва яратилмаслиги мумкин бўлган нарсалар демакдир.

ВУҚУФ (وَقْوَافٌ) – а. "огоҳ бўлиши". Тасаввуфда соликнинг доимо Аллоҳнинг зикри билан огоҳ бўлишига айтилади. Вуқуф уч хил бўлади: вуқуфи қалбий, вуқуфи замоний ва вуқуфи ададий.

Д

ДЕБОЧА (دباق) – ф. зар ва турли жавохирлар билан зийнат беріп тикилған шоҳона кийим. Китобат санъатида эса у – асарнинг муқаддимаси. Одатда мұаллифлар ўз асарларининг кириш қисміда сўз усталиклари ва бадиий маҳоратларини ишга солғанлар. Бу кўринишни мажозан шоҳона кийимга ташбек беріб, дебоча деб атаб келинади. Айниқса бу усул қўлланилган ва асар муқаддимасини алоҳида бадиий жадваллар ва унвонлар билан безалган.

ДУНЁ (دنیا) – а. Луғавий маъноси "олам, жаҳон, дунё". Тасаввуфда Аллоҳни эслашга монеълик килувчи барча нарсалар дунё деб аталади (كشاف اصطلاحات الفنون).

Ж

ЖАЗАБА (جذبه) – а. "жазава". Тасаввуфда зикру самъо пайтида ўзини йўқотиши, завқ ва шавққа тўлиш ҳолати.

З

ЗАВҚ (ذوق) – а. "завқ". Тасаввуфда авлиёлар қалбига Аллоҳ томонидан ато этилувчи бир маърифат нуриким, унинг ёрдамида улар бевосита ҳақ ва ноҳақ нарсаларни бир-биридан осонгина ажратса олиш қудратига эга бўладилар. (تعریفات السید الشریف).

ЗАКОТ (زکات) – а. Луғавий маъноси "ўсиш, покланиш". Шариатда бойлик маълум бир миқдор (нисоб) га етгандан кейин ундан Аллоҳ йўлида муҳтожларга бериладиган илоҳий солиқ. Тасаввуфда дунёни тарқ этиши ва дилни турли бузуқ хаёллардан пок тутиши. (كشاف اصطلاحات الفنون).

ЗИКР (ذکر) – а. "дил билан бирор нарсани ёдлаш, эслаш, тил билан бирор нарсани талаффуз этиши". Тасаввуфда тариқат пиirlари ва муридларнинг кундалик ўқиб юрадиган махсус калима ва дуолари. Ҳадиси шарифда «Барча зикрларнинг афзали "ло илоҳа иллаллоҳ"» дейилган. Зикрни икки тариқа амалга обирилади. 1 – зикри хафий ёки зикри дил. Бунда у тил билан талаффуз қилинмай, балки фақат дил билан зикр ижро этилади. Нақшбандийя тариқатида шу услубни ихтиёр этилган. 2 – зикри лисоний ёки зикри жаҳрий. Бунда зикрни тил билан овозни чиқариб айтилади. Ҳақиқий ва соғ зикр шуки, зикр пайтида солик Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарсани ёдига келтирмайди (نصل الخطاب).

ЗУХД (زهد) – а. "зоҳидлик, тарки дунёчилик, сақланиш". Тасаввуфда Аллоҳнинг зикрига халал берувчи барча нарсаларни тарқ этиши. Салаф уламолари зуҳдни уч қисмга бўлишган: 1 – Аллоҳга ширк келтиришдан сақланиш ва ибодатда риёдан холи бўлиш. Бундай зуҳд ҳаммага баробар фарзdir. 2 – Барча гуноҳлардан ва ҳаром нарсалардан сақланиш. Бу ҳам фарз. 3 – Ҳаром ёки ҳалоллиги шубҳали бўлган ва ҳалоллиги аниқ, лекин ортиқча бўлган дунёвий нарсалардан сақланиш. Бу каби зоҳидлик ҳаммага фарз эмас, балки шариат ва тариқат одобларини ўз зиммасига олган солик ва муттақийларга хос фазилатdir (كشاف اصطلاحات م ۷۷).

И

ИЛТИЖО (التجاع) – а. "паноҳ тилаш, бошпана излаш, кимнингдир ҳимоясига қочиши". Тасаввуфда Аллоҳдан паноҳ тилаш, Унинг ҳимоясига қочиши, дуо ва зикр пайтида ёрдам ва мададни фақат Ўзидан тилаоб ёлбориш. Илтижо дуо маъносида ҳам ишлатилади.

ИЛҲОМ (اللهام) – а. "илҳом, илҳомлантириш, кўнглига бирор фикрни солиши". Тасаввуфда солик қалбига Аллоҳ томонидан пайдо этилган фикр. Шариат уламолари илҳом асосида бирор иш қилиш мумкин эмас дейдилар. Тасаввуф аҳли эса, бунинг акси ўлароқ, илҳомни илоҳий файз сифатида қабул қилиб, унга асосланиб сўз ва иш юритадилар. تعريفات.

ИРОДА (اراده) – а. "ирода, хоҳиш, муридлик". Тасаввуфда ирода тӯғрисида турли таърифлар бор. Баъзи олимлар уни ўз хоҳишидан Аллоҳнинг хоҳишини устун қўйиб, Унинг амрини бажариш ва тақдирига рози бўлиши деб таърифласалар, бошқалари ирода солик қалбидаги илоҳий муҳаббат ўтидан пайдо бўлувчи бир чўғдирки, у ҳақиқат йўлидаги барча қийинчлилик ва тақлифларни бемалол қабул этади деб баҳолайдилар. تعريفات السيد الشريف.

ИСТИЛОҲ (اصلاح) – а. "атама, термин, шартли қабул қилинган сўз ва иборалар". Илм ва фан оламида мутахассис ва олимлар томонидан ҳар бир илмий соҳага оид маҳсус атамалар қабул қилинган. Масалан, "Истилоҳоти суфийя"ни олсанк, тасаввуф аҳли сўзларни ўз луғавий ва шаръий маъноларидан фарқ қиласиган сўфиёна маъноларини кашф этгандар. Улар Қуръон ва ҳадис ибораларидаги шариат аҳкомларига далолат қилувчи мазмунларни инкор этмаган ҳолда, уларнинг ботиний маъноларини баён қилиб беришга ҳаракат қиласиганлар. Натижада тасаввуфга оид бир неча истилоҳий луғатлар юзага келтан.

ИШҚ (عشق) – а. "ишқ". Ишқ ҳавасдан бошланувчи бир туйғуким, ошиқ ўз маҳбубини кўргач, аввало орзу-ҳавас қиласи. Сўнг унинг қалби безовта бўла бошлайди. Ундан сўнг бу туйғу кучая бориб, шавқу завққа айланади. Сўнгра иштиёқ даражасига кўтарилиб, ундан кейин муҳаббат мақомига етишади. Охири маҳбуб йўлида ўзидан кечиб, фано бўлишга тайёр ҳолатга келади. Шу ҳолатни тасаввуфда ишқ деб аталади. Ҳақиқий ишқ – бу Аллоҳга нисбатан бўлган ишқдир. Ундан ўзга ҳар қандай маҳбубга нисбатан бўлган ишқ ёки муҳаббат соликлар наздида мажозий ҳисобланади. Тасаввуфона битилган шеър ва фазалларда мажозий ишқ орқали ҳақиқий ишқ тараннум этилади. شرح دیوان حافظ ل محمد عبد الرحمن دھلوی.

К

КАЛИМА (كلمه) – а. "сўз". Тасаввуфда у маҳсус дуо ва ибораларга кўлланилади. Масалан, "калимаи тайиба", "калимаи шаҳодат", "калимаи тавҳид", "калимаи истиғфор" ва ҳоказо.

КАРОМАТ (كرامت) – а. "олийжаноблик". Тасаввуфда авлиёларда содир бўладиган гайри табиий ҳолатлардир. Масалан, узоқ масофани оз фурсатда босиб ўтиш, сув устида чўкиб кетмай бема-

лол юриш, ҳавода учиш, керак пайтида номаълум томондан озиқ-овқатнинг пайдо бўлиши ва ҳоказо.

Каромат – бу олий даражаларга етишган аҳли тариқат, азиз-авлиёларга Аллоҳ томонидан ато этилган марҳамат ва неъматdir. Лекин авлиёларда албатта каромат бўлиши шарт эмас. Уларга бу неъмат қўшимча фазилатdir. Кароматга мисол қилиб келтирилган ҳодисалар пайғамбарлардан содир бўлса, уни мўъжиза дейилади. Агар улар авлиёлардан содир бўлса – кароматdir. Бордию кофир ва фосиқ кишилардан содир бўлса – "истидрож" дейилади. Истидрож – бу вақтингчалик бериб туриладиган ғайри табиий қобилиятдирки, унга мағрурланиб қолган киши тўғри йўлдан адашган ҳисобланади.

(التعريفات لنسيد السريف)

M

МАВЛО (مولى) – а "хожа, эга". Тасаввуфда Аллоҳнинг номларидан бири сифатида қўлланилади. Мавло, мавлоно, мавлавий каби лақаблар тасаввуф шайхларига нисбатан ишлатилади. Бунда устоз, пир, муршид деган мазмун кўзда тутилади.

МАКТУБОТ (مكتوبات) – а. "мактублар, хатлар". Тасаввуфда тариқат шайхларининг ўзаро ёзишган мактубларини мажмуасига шундай ном қўйилади. Тасаввуф тарихида Аҳмад Сарҳиндий (ваф. 1034/1624) нинг ўз замонларидаги машойихларга ёзиг юборган хатларидан иборат „Мактуботи Имоми раббоний“ энг йирик тўпламлардан бўлиб, унда 538 та мактуб жамланган.

МАНОҚИБ (مناقب) – а. "фазилатлар". Тасаввуфда бирор улуғ зотининг таърифи ва тавсифига айтилади. Масалан,, „Маноқиби Хожа Аҳрор“ ва ҳоказо.

МАЪРИФАТ (معرفت) – а. "билиш, англаш, идрок этиш, таниш". Тасаввуфда соликнинг кундан-кунга руҳоний тушунчаларининг зиёдалашиб бориши, коинот ва табиат илму ҳикматидан, шунингдек инсоний ва илоҳий сир-асрорлардан воқиф бўлиб боришига айтилади. Ҳадиси шарифда: «Кимики ўзини яхши таниса, Парвардигорини ҳам, албатта, таниб олади», – дейилган. Яъни, инсон ўзининг тузилиши, мураккаб таркиби, жисмоний ва руҳоний вужудини қанчалик чуқур тафаккур билан ўрганиб, билиб борса, Аллоҳнинг улуғ ҳикмати ва бекиёс құдратининг буюк эканлигини шунчалик идрок этади. Инсон ўзидаги камчилик ва хатоларни қанча кўп сезиб икрор этса, Аллоҳнинг бенуқсон комил зот эканини шунча пайқаб олади. Маърифатни тасаввуф аҳли олти даражага бўлганлар. Ҷемак, ҳар бир инсон ўз маърифатини ўз билимига қараб юқори даражаларга кўтариши мумкин. Маърифат олдин билмаганларини янгидан билиб бориш деган маънони англаттани учун у бандаларга хос сифат деб қабул қилинган. Маърифатни Аллоҳга нисбат бериб бўлмайди. Аллоҳга илм, ҳикмат сифатлари берилади.

(فصل الخطاب وتعريفات)

МАХДУМ (مخدوم) – а. "хизмат қилинувчи одам". Одатда у пиру устозларга бериладиган лакаб, чунки уларга ўз муридлари ва шогирдлари хизмат қилишади. Бу лақабни байзи жойларда пиру устоз ва уламоларнинг ўғилларига ҳам ишлатадилар. Махдум сўзини бузилган шаклда "максим" деб нотўғри ишлатиш бизда кенг

тарқалган. Нақшбандий тариқати шайхларидан Аҳмад ибн Жалолиддин Ҳожагий Косоний (ваф. 949/1542 й.) „Маҳдуми Аъзам“, яъни „Улуг Махдум“ лақаби билан машҳур бўлғанлар.

МАҲАББАТ (محب) – а. "севги". Тасаввуфда маҳаббат икки хил талқин этилади. Биринчиси – бу инсоннинг инсонга нисбатан севгиси. Иккинчиси – инсоннинг Аллоҳга бўлган маҳаббати. Биринчисини мажозий маҳаббат, иккинчисини ҳақиқий маҳаббат дейилади. Маҳаббат сўзини ўзбек тилида бузилган шаклда муҳаббат дея ишлатиш кенг истеъмолдадир.

МУЖОҲАДА (مجاہد) – а. "жанг, жиҳод". Тасаввуфда соликнинг ўз нафсу ҳавоси билан жанг қилиб, уни енгишга ҳаракат қилишига айтилади. Ҳадиси шарифда ёв билан қилинадиган жангни кичкина жанг, нафс билан қилинадиган жангни катта жанг (жиҳод) деб аталган.

МУКОШАФА (مکافہ) – а. "тафаккур". Тасаввуфда соликнинг тафаккурга чўмиб турган пайтида хаёлида ҳосил бўладиган турли ҳолатларки, уларни сўз билан ифода этиш амри маҳолдир.

МУРИД (مرید) – а. "ирода этувчи, бирор ишни қилишга жазм ва азму қарор қилувчи одам". Тасаввуфда тариқат пирларига бориб дарс олувчи шогирд маъносида ишлатилади.

МУРОҚАБА (مراقبہ) – а. "кутиш, кузатиш". Тасаввуфда соликнинг Ҳақ таоло томонидан ҳамиша кузатилиб туришига бўлган ишончидир. Муроқаба тўғрисида бошқа таърифлар ҳам мавжуд.

МУРШИД (مرشد) – а. "йўл кўрсатувчи". Тасаввуфда тариқат одобларидан сабоқ берувчи пир, шайх ва устозлар кўзда тутилади.

МУШОҲАДА (مساهدہ) – а. "кўриш, тамоша қилиш". Тасаввуфда Аллоҳни қалб кўзи билан кўришдир. У икки хил бўлади. Биринчиси – камоли ишонч ва имоннинг кучлилигидан Ҳақни кўз билан кўргандек дили билан мушоҳада қилиш. Иккинчиси – маҳбубига бўлган севгисининг камоли кучлилигидан фикру зикри у билан банд бўлиб, ҳузурида тургандек тасаввур этиш. Демак, солик ҳар бир нарсага боққанда дарҳол унинг яратувчисини ёдига келтириши – тасаввуфий муроқабадир.

H

НАФС (نفس) – а. "нафс, зот, жон, инсон". Тасаввуф таърифида у асосан икки қисмга бўлинган. Биринчиси – "Нафси мутманина", яъни Ҳақ амрига итоат қиласидиган зот. Иккинчиси – "нафси аммора", яъни ёвузликка моил зот.

Нафсни бундан ташқари яна бир неча турларга бўлиб ҳам ўрганилган.

НУЖАБО (نجاء) – а. "олий зот, зотдор". Тасаввуфда бир тоифа авлиёлардирки, улар фақат инсонларнинг фойдаси учун фаолият кўрсатурлар. Уларнинг одамлар ҳаққига қилган дуолари эса мустажобдир. Нужаболарнинг адади тўғрисида турли фикрлар бор. Тоҳир Эшоннинг „Тазкиратул авлиё“ китобида уларнинг сони 70

та дейилса, Сайиди Шарифнинг „Таърифот“ ида 40 киши деб кўрсатилган.

НУҚАБО (ﻥَعِيَّ) – а. "вакил, муфаттиш". Тасаввуфда бир тоифа авлийларга шу ном берилган бўлиб, улар умматлар учун зо-миндирлар. Ададлари 300 нафардир. Улар одамларнинг сирларидан воқифдурулар. (تَذْكِرَةٌ طَاهِرٌ اسْتَانُ وَ مَعْرِيفَانُ).

П

ПИР (پیر) – ф. "кекса, қари". Тасаввуфда соликлар ва муридларга сабоқ берувчи шайх демакдир. ("Муршид" сўзининг изоҳига қаралсин.)

ПОРСО (پارسَ) – ф. "парҳезкор, тақводор". Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг тўрт халифаларидан бири – Хожа Муҳаммад Порсонинг тахаллуси.

С

САМОЪ (سَمَاعٌ) – а. "ашула, куй". Тасаввуфда зикр ёки газални куйга солиб ижро этиш. Бунда чолгу асбоблари, чапак чалишлар ҳам жўр бўлиши мумкин. Самоъ тасаввуф аҳлининг кўпчилик машойихлари томонидан маъқул ва мақбул деб топилган. Шариат уламоларининг кўпчиликлари эса бунга мутлақо мухолифдирлар. Нақшбандийя тариқати машойихларининг деярлик ҳаммалари самоъ тарафдоридирлар. Баҳоуддин Нақшбандга самоъга муносабати тўғрисида савол беришганда; "Биз бу ишни қилмаймиз ва инкор ҳам этмаймиз" деб жавоб берганлар.

(р: 11284/Ш "آداب لاصحاب للواعظ الکاظمی").

СИДДИҚ (صَدِيقٌ) – а. "чин дилдан тасдиқ этиб ишонувчи". Тасаввуфда пайғамбарликдан кейин турадиган энг юқори валийлик мартабаси. Бу мартаба биринчи бўлиб халифа Абу Бакр (разияллоҳу анҳу)га насиб бўлган. У зотдан то бизнинг давримизгача сиддиқлик мартабасига эришган валийлардан 19 тасини силсила шаклида алоҳида бир рисола қилиб ёзиб кетган зот – бу Аҳмад ибн Жалолиддин Хожагийи Косоний (Маҳдуми Аъзам)дир. Рисолада сиддиқлар силсиласи қуйидагича берилган:

1. Абу Бакр Сиддиқ (раз.анҳ.)
2. Салмони Форисий (раз.анҳ.)
3. Қосим ибн Муҳаммад ибн Аби Бакр (раз.анҳ.)
4. Жаъфар ас-Содиқ (раз.анҳ.)
5. Бо Язид Бистомий (құд.сир.)
6. Абулҳасан Харқоний (қ.с.)
7. Шайх Абулқосим Гургоний (қ.с.)
8. Абу Али Формадий (қ.с.)
9. Шайх Абу Юсуф Ҳамадоний (қ.с.)
10. Абдулхолиқ Ғиждувоний (қ.с.)
11. Хожа Ориф Дегтароний (қ.с.)
12. Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий (қ.с.)
13. Хожаи Азизон Ромстоний (қ.с.)
14. Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий (қ.с.)

15. Саййид Амир Кулол (қ.с.)
16. Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.)
17. Мавлоно Яъкуб Чархий (қ.с.)
18. Хожа Аҳрор (қ.с.)
19. Муҳаммад Қозий (қ.с.)

(188 арабча р: 501/XVII). سلسله محدثین للکاسانی.

СИЛСИЛА (سلسلہ) – а. "занжир, ҳалқа, кишан". Тасаввуфда тариқат машойихларининг икки хил нисбий боғланишларига айтилади. Биринчиси – ҳар бир шайх ўз пири устози, устозининг устози номларини шу тартибда то Муҳаммад алайхиссаломгача номманинг баён қилишилик. Масалан, Баҳоуддин Нақшбанднинг пири Саййид Амир Кулол, унинг пири Муҳаммад Самосий, унинг пири Маҳмуд Анжирғагнавий ва ҳоказо. Иккincinnиси – ҳар бир шайх ўзининг ота-боболари кимлар бўлгани ва қайси машҳур зотта бориб етишини исботлаб берадиган шажарадан иборатdir. Масалан, Баҳоуддин Нақшбанд ибн Жалолиддин ибн Бурҳониддин ибн Абдулоҳ то Али ибн Аби Толиб (разияллоҳу анҳ)гача.

СОЛИК (سلک) – а. "йўлчи, йўловчи". Тасаввуфда тариқатни ихтиёр қилиб, уни ўзлаштириш ҳаракатига тушган, лекин ҳали бирор мақом ёки мартабага эришмаган ўқувчи. Соликлар одоби ҳақида кўпгина рисолалар битилган. Ҳар бир солик шу одобларга риоя қиласагина кўзлаган мақсадига етишиши мумкин. Акс ҳолда у тариқат аҳли бўлаолмайди. (آداب السالکین للکاسانی).

T

ТАВБА (توبہ) – а. "тавба, қайтиш, пушаймон қилиш". Тасаввуфда соликнинг тариқат сари қадам қўйишидан олдин қилган барча гуноҳларидан тавба қилиб, келажакда бирор гуноҳ ишни қасдан қилмасликка азму қарор қилишилигидир. Бу соликнинг биринчи мақоми ҳисобланади. (سأه التحصيف لا يلای لابراهيم بنوی)

ТАРИҚАТ (طریقت) – а. "йўл, услуб". Тасаввуфда муайян бир йўналиш ёки мазҳаб бўлиб, бошқа тасаввуфий тариқатлардан айрим жиҳатлари билан фарқ қиласиди. Масалан, нақшбандий тариқатининг яссавийя тариқатидан фарқи шуки, Хожа Аҳмад Яосавий асос соглан яссавийя тариқатида тарки дунёчилик ва жаҳрий зикр тарғибот қилинса, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд асос соглан нақшбандий тариқатида охират ишларини тарқ қилмаган ҳолда дунёвий ишларни, яъни қасбу камолотни ҳам қўлдан бермасликка ва зикрни махфий (овозсиз) айтиш тарғиб этилади. Тасаввуф тариқатида ўндан ортиқ тариқатлар пайдо бўлган. Улардан йириклари – қодирийя, яссавийя, чиштийя, нақшбандийя, кубровийя, увайсийя.

Y

УЗЛАТ (عرب) – а. "хилват, пана жой, чекка". Тасаввуфда соликнинг ҳалқдан ажралиб, ўзига ҳоли жойларда ибодат ва зикр билан машғул бўлишидир. Лекин узлатнинг ҳам ўзига хос шартлари бор. Масалан, оила ва фарзандларини қаровсиз қолдирмаслик, ҳалқдан бутунлай юз ўғирмаслик, балки зарурий шароитларда жамоат билан бирга бўлиш, узлатда бирор кимсага малол келтирмаслик.

лик, бу билан фахрланмаслик ва ҳоказо. Ислом тасаввуфидаги узлат – бу ёмон одамлардан узоқлашиш, беҳуда машгулолтлар ўрнига зикру ибодат билан шуғулланиш, ўзи ҳалқ билан бўлса-да, қалби Аллоҳнинг зикри билан банд бўлиши, имконият топиши билан ўзини хилватга олиб, Аллоҳнинг зикри ва ибодатига ружуъ қилиши кабилардан иборатдир. Нақшбандийя тариқати усулларидан бири ҳам "хилват дар анжуман", яъни жамоатчилик билан бирга бўлганда ҳам фикру зикри Аллоҳдан бегона қилмаслиkdir.

Φ

ФАНО (فانو) – а. "фонийлик, йўқолиш". Тасаввуфда "Бақо" сифатининг инъикоси, яъни Бақо – барча яхши сифатларни ўзида мужассам қилиш бўлса, фано – узида барча ёмон сифатларни йўқ қилиш йўли билан Аллоҳга яқинлик ҳосил қилишилайдир. Фано сўзининг яна бир бошқача таърифи, фано мақомига етган солик Аллоҳнинг ҳақлиги ва улуғлиги тўғрисидаги фикру зикрга гарқ бўлиб бу фоний дунёдаги борлиқ нарсаларни унуттиб юборади. Бу мақом "фано филлоҳ" деб аталади. (صَرْفَهُ).

X

ХАЛИФА (خليفة) – а. "ўринбосар". Тасаввуфда соликларга дарс берувчи пир ёки муршидинг ўз шогирдлари ичидан ўринбосарликка танлаб олган одами. Масалан, Баҳоуддин Нақшбанднинг тўрт халифаси бўлган: Алоуддин Аттор, Хожа Муҳаммад Порсо, Мавлоно Яъқуб Чархий ва Алоуддин Фиждувоний. Халифа ўз шайхи ва пири томонидан тайинланиши ёки мурид – шогирдлар томонидан сайланиши мумкин. Халифа худди ўз устозидек сабоқ бериш ва муридларга йўл-йўриқ кўрсатиш билан шуғулланади.

ХОЖА (خوا) – ф. "хожа (хўжа), хўжайин". Тасаввуфда тариқат машойихларига бериладиган унвон. Бу унвон асосан Юсуф Ҳамадоний (440/1048 – 535/1140 йй.)дан бошлаб ишлатилга бошланган. Масалан, Хожа Юсуф Ҳамадоний, Хожа Абдулхолик Фиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Муҳаммад Самосий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва ҳоказо. Ундан олдинги улуг пирларга "шайх" унвони берилар эди.

Ш

ШАЖАРА (شجرا) – а. "дараҳт". Тасаввуфда айнан "силсила" сўзи ўрнида ишлатилади.Faқат биргина фарқ қиласидиган жойи шундаки "шажара" кўпроқ наасбнома сифатида, "силсила" эса кўпроқ пиру устозлар тизмаси сифатида ишлатилади.

ШАЙХ (شيخ) – а. "шайх, кекса, оқсоқол". Тасаввуфда пиру муршидларга нисбатан қўлланиладиган унвон. Шайхнинг кўплиги одатда машойих шаклида ишлатилади. Муридларга сабоқ берувчи шайхлар учун алоҳида қўлланималар битилтган. Ҳадис илмида шайх сўзи ҳадисларни тингловчиларга ривоят қилиб берувчи устозларга қўлланилган. Яна бу сўз мозорларда зиёратчиларни кутиб-кузата-

диган ва дуою фотиҳа билан хайру эҳсонларни тасаррүф қилиб турадиган шахсларга нисбатан ҳам ишлатилади.

K

"ҚУДДИСА СИРРУҲУ" (قدس سرہ) – а. Бу ибора, асосан, тасаввуф аҳлидан бирор шайх ёки пиру муршиднинг номи зикр этилганда дуо сифатида айтиладиган арабча иборадир. Унинг мазмуни: "Руҳи муқаддас бўлсин!" демакдир. Баъзан: "Қаддасаллоҳу руҳаҳу" шаклида ҳам келади. Бунда мазмуни: "Ул зотнинг руҳини Аллоҳ муқаддас қиласин!" демакдир.

ҚУТБ (قطب) – а. "қутб". Тасаввуфда улуғ пир ва шайхларнинг баъзиларига берилган унвон. Абдол, автод, нужабо, нуқабо, гавс каби тасаввуф шайхларига бериладиган унвонларнинг энг олийси – қутб унвонидир. Ҳожа Муҳаммад Порсо ўзининг „Фаслул хитоб“ номли асарида шундай деб ёзди: ;Кутб ҳар бир замонда мавжуд бўлиб, унинг қалби Мухаммад алийхиссалом қалби билан алоқадор бўлур. Осмонда жанубий ва шимолий қутблар бўлиб, жа-нубийсига Суҳайл юлдузи, шимолийсига Жадӣ юлдузи яқин бўлгани каби Аллоҳ таоло Ер юзида ҳам икки "кутб" яратиб туради. Бири – иршод қутби. Иккинчиси – абдоллар қутби... Қутблар оддий инсонлар каби оила қурадилар, молу дунё касб қиладилар. Одамлар уларга ҳасад қилиб азиятлар етказадилар...


Улар пайгамбарларнинг халифалари сифатида халқни тўғри йўлга йўллаб турадилар. Лекин одамлар уларни қутблар эканликларини сезмайдилар... Улар халқقا танилмаслик мақсадида ўзларини бирор айб-нуқсонли қилиб кўрсатадилар... Қутблар тўғрисида тасаввуф китобларида ривоятлар жуда кўп "Ақтооб" сўзи изоҳига қаранг. (فعل الخطاب)

X

ҲОЛ (حال) – а. "ҳол, вазият". Тасаввуфда солик қалбида бе-ихтиёр ўз-ўзидан пайдо бўладиган руҳий кечирма. Диний истилоҳда тасаввуф илмини "илми ҳол", шариат илмини эса, "илми қол" деб юритилади. (سعریفات)

سلسلة طلابي وآمن من لي شتم
 بـ ٣٠٠ كتاب لأصحاب اللاحات دروس تم جمع وفبت من تعلم
 بسم الله الرحمن الرحيم اللهم إله العالمين
 المثلثة العلامات كالائز عبد الرؤوف القاشاني درحم الله تعالى
 الحمد لله الذي جعلنا من سادس العلوم الرسمية بالجزء الأفضل اغتنام الأربع
 المعاشرة عبiquity الدنيا في مستدلال وإندرنا ما لا ينال سعى تكرر العبر
 والقال وعصمها من المذاق والمعارض والخلاف والبلاغة ناشرية
 ومحا زلوب والشوك اضلاعها ضلال حماز مشهد عرض صابرنا
 حجباً غيره ولا شكال ولا شكل والصلوة والسلام على من حملنا على طلاق
 استاذ الجليل الرازي المأذن المصطفى والدو صحيحة صدور الاحوال
 بحل فلة طلاق غيره من سور شرع كلام العارفون كلام الكلمة
 وفق شرح قصيدة لكتابه واوبيان الفرق لكتابه حيناً لأصحاب العروبة
 ولم يلغها أبداً كلعلوم العقول والمنقول لم يسره عليهم سالون
 ازال سعيرها وعلل شرط كل السبع إلى تصريح الالاطه في العادات
 سعادت العدم شعر إلى الف عام ولوجه الاستدلال بغيرها وما يشار إليها
 ينتهي حادث لافتقارها وما ورد بها وما اصرح بصحتها وما يعملاها
 للأسفل نسوانم ونور عذر لكن بروايات العارفون سان العظام حيث ويفصل
 حاصلها كل حفظ رسالتها على صحتها فهم حسان المصطلحات
 علا العمامات فما يذكره في سلسلة مصادرها خرج للابواب وهي حسان

„Китобул истилоҳот“ асаридан.



„Рисолай ҳавроийя“ асаридаги рубоий матни.
Хаттот – Абдулазиз Мансур.

کار ملکه و لیست اند کار مختفیت دین هم بود زمان این خیر بیک
 نیز او حکم شاشد رطم
 اند حمزه اون تقبید ایران، حمزه اون سرمه دنیا اند افراد
 هر دو بیک کار است کار و قرضه ای ده انتعله، آن رفت و سپس بیک خود
 کیانه بله بیک از بیک بیکه ده سول علیه نهاده تو و همکار پسر بیک خود
 بیک در هر دو جانش شویه ده کامض و دنیه دنیو بودنها باید
 هر دو هناله نم بزمیون بان ماد بو مثال دیه و مزبوریات
 لجه خواهی نهاده با عزم داده بیک دامن بیکانه بیک
 زبده هاشم دست و پوکانه باز سکا بیک، اند حکم ادام
 ستم همیا بیکل نوبی ماد در بور بیک سرگاهه ده دیه
 و بعضاً انصهاریا مادیت نهاده بیک سکنه اند بخطاطه
 نهاده هماید لقینت ذاتیه دهنکار اهل الدینیات سالهانه ایم
 حقیقت بیک ده جانبه در ایامیت ماده ایل بیک ماد فنا و بیک
 راضیه ایل امیر بیک و هر چهی شاین بیک ده دادخ ملاده ایش
 و ایش بیک طبیعه و پاسخ حکایات بیک ماد بیک دادخ بیک
 دنها ایل اطبیاد بمعرف بیکل، اطبیاخ ده ایل اطبیاخ بیک
 دامه ایل اطبیاخ و بیک ده تایلیت یعنی این داده بیک دنها ایل
 دیه ده بیک ده ایل اطبیاخ ده ایل اطبیاخ بیک ده ململه بیک، لذکره
 و بیک ده ایل اطبیاخ ده ایل اطبیاخ ده ایل اطبیاخ بیک

„Силсилатул-орифин“ асаридан.

سلسله نقشبندیه
خواجہ بهاء الدین نقشبندیه قدس اس سره -
سید امیر کلال قدس سره
خواجہ محمد بابائی سماوی قدس سره
خواجہ علی رامیستینی خواجہ عزیزان قدس سره
خواجہ محمود انجیر فغنوی قدس سره
خواجہ عارف ریوگرے قدس سره
خواجہ عبد الخالق عجده و ائنه قدس سره
خواجہ یوسف هدایی قدس اس سره
خواجہ ابو علی فارمدی قدس سره
خواجہ ابو القاسم کرکانی قدس سره
خواجہ ابو الحسن خرقانی قدس سره
شیخ بایزید بسطامی قدس سره
جعفر صادق قدس اس سه روحه
محمد باقر قدس اس سه روحه و رضی عنہ
زین العابدین قدس اس سه روحه و رضی عنہ
امام حسین رضه اس سه عنہ و اوصاه
علی بن ابی طالب کرم اس سه وجہه
محمد رسول الله صلی اللہ علیہ و آله وسلم

باشد بولد و دین این کم تغیر، خان این بخشیده همان که تقریباً خواهد مار از دن
ادن در خذل خود را نسبت دارد و قلم زکر از حضرت شیرکمال است. قدر کم و آنکه از اخراج
عزمایم بر سرمهای اینان، از خواجه حسنو اینکه قلعی دالیش را از خواهد عارف
رویکرد و آینان، از خواجیه برخانیم و این و آنست از خواجیه عرف
و آنکه این از شیخ ابو علی غفاری و آینان، از شیخ ابو الفقیم که کامی از خ
ابوالفقیم انساد ریاضی همین بد و حکایت از شیخ ابو الحسن فانی و آینان از شیخ
ابوزید بیطاطی و دلداد من شیخ ابو الحسن بعد از داشت شیخ ابو زینیست به کمی
و کربیت شیخ ابو زید او را بحیطی همین در وحدت است. بنده بله این دعویت
و اینکه اراد من شیخ ابو زید بحضرت امام جعفر صافی هست اینکه بمقابل صحیح
نمیستند شده هست که ولد از شیخ ابو زینی بعد از داشت حضرت امام است و نزیبت
اما و دیگر بحیطی هست که داد حضرت امام جعفر صافی از عسلی همین بد
چنان نسبت است که و اینکه کو در خود امام محمد بازد و آینان را بآدم خود
اما زین العابدین و آینان را بآدم خود امام حسین و آینان را بآدم خود
حضرت امیر سپهان علی خوان افتخار حسین و آینان را بحضرت رسالت
صیف العبدیه سلم و سرتاح طلاقیت دهنده ای ایم سلیمان شرقی ایل بیت ای
از جمیت نزد کرد و سلسه الله ہبہ کم کرد و آنکه ای ایم جعفر صافی

ام ایم صحقو دی و الائمه بجز ذات های از مقرر بیوں انقدر مخصوص
سماز روی کمزی نیست بعد برخلاف بکویر صفا و نر عصقو و ماقری و
رضای ای ایم خواهیم بود و بجز این اثباتات: الایم و الائمه
مخفیش بیکم من سیم هسته همچو بیت و بیت بیرونی و بیول ایم بیت
بعازار کلیه بحمد تمبل اینقدر بیوں بکویر صفا و نر عصقو و ماقری ایه
لور ایم طیب و رضای ایه و لولای ایه و دخول تو و وصال تو و دخول
و ایم طیب و رضای ایه و لولای ایه و دخول تو و وصال تو و دخول
تو و اما وقت تو لی فعل اندیه ایه و دیکلم ایه و بجز این ایه ایه
عنای جاک ایه بیت فرا و ایه بیت پای تو با ایه ایه ایه ایه ایه
من ایه بیت بیت بیت دیکلم و بار ایه بیت بیت بیت بیت بیت بیت
اسکدان حمیر بیکم برسوله غزا و نر بیکم بیکم ایه ایه ایه
بربری و تقدیم بیکم ایه ایه ایه ایه ایه ایه ایه ایه ایه
پل و باز ایه
لر خواجیه بیکم ایه ایه ایه ایه ایه ایه ایه ایه ایه
کام و دلو بیکم بیکم بیکم بیکم بیکم بیکم بیکم بیکم
برام و آنکه بیکم بیکم بیکم بیکم بیکم بیکم بیکم بیکم
حضرت خواجیه علیم ایه ایه ایه ایه ایه ایه ایه ایه
دور فر جاکه داد ایه ایه ایه ایه ایه ایه ایه ایه ایه ایه

Тасаввуф сўзлари лугатидан.

بِسْمِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

محمد پا منتهیا بحضرت خدای جل سلطانه و عیم احسان
 که بخا مداویں و آخرين فاتحه تمیه اوست نفع
 و صلوات طیبیات بحضرت رسول اللہ که خلاص
 کائنات وزیره مخلوقات اوست سبحانة اما به
 بر ارباب بصائر پوشیده نسبت که بعد از ساعت
 محکم بنویه مرتبه شریعت فراز و لایت خاصه نسبت
 اکریم باشارت کریمیه دا خلقه اینجتن و الا شرط
 یقینه و مطلق الولايت سبت اما ولایت خاصه
 در غائب بغا و کمال سوت زیرا که حکمت در جلوه
 منعنه نگذیخت آن سوت که هر کس از خواص دعویم
 چو هر معرفت حضرت غوث جن و غل احصال آیه
 حده بست کنندا خفیانی فا حمیت آن اعزت

„Рисолай нақшбандийя“ асаридан.

طه هر شش بابل و دلش حاشیه	صورت فتن حق از مظاہر
مادری یعنی نسلو نفات	گر پر فتن دادن از بذات رحمت
گل زبان شاهزاد چیزند	لیک در عین خلعت حق میانه
درینان غنی تخلیه روی و سر	
رفتن از خود بر و سرت پیشتن	تخلیه دل ز غیر وارستن
چون شوی یاد ناید تهد و جود	تخلیه روح آنکه عنصر شود
پرسیدن شخصی ز منصور حلماج که راه بخدا پیونست و جواب او شد	
گفت من صدر مرد اگر که بین طبق	سایل اگرسته بان سالی لشیق
بین اشیان طرفین باشد و راه	درج اشتر گفت آن آگاه
نیست راهی در آن هم دانی	اگر و روز است حق شود نانی
نیست شدنیست در خدا پیش اگاه	جز ندانیست در خدا پیش اگاه
کی شده در مردانه ای ای ای ای ای	جز تخلیه مرشد کامل
درینان تقیلید این طبقه علیه عالم و کلام حضرت خواهران الدین حمال	

Муаллифлар
Шамсуддинхон Абдулазиз
Зиёвуддинхон ўғли Дадажон ўғли
БОБОХОНОВ МАНСУРОВ

**НАҚШБАНДИЙЯ ТАРИҚАТИГА ОИД
ҚҮЛЁЗМАЛАР ФИҲРИСТИ**

МУНДАРИЖА

Муқаддима	5
Нақшбандийя тариқатига оид	
қўлёзмалар фиҳристи	9
Езилган вақти номаълум асарлар	90
Езилган ва кўчирилган вақти номаълум асарлар	95
Муаллифи номаълум асарлар	98
Тасаввуфга оид сўз ва иборалар изоҳи	109
Тасаввуфга оид қўлёзмалардан намуналар	120

Босишга рухсат этилди: 30. 08. 93. Бичими 60X90 1/16 Офсет қоғози.
7,0 табоқ Адади 10000 Буюртма 7759

Баҳоси келишилган нархда

©“МОВАРОУННАҲР” нашириёти

Тошкент ижарадаги матбаа корхонаси

Тошкент. Навоий кўчаси 30-үй

نقش بندی
طریقی کیا عائد قول می ازد
اثر لار فرنست



ما وراء النهر نشریات
تاشکند ۱۹۹۳